



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 2/2 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 2/2

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 2/2



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№2/2 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-2/2>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Мухамедов Хайдарали Мелиевич ЎРТА АСРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚҚА ТАЪСИРИ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	5
2. Мирзаев Файзулла Ибодуллаевич ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	14
3. Авлиякулова Матлуба Авазовна КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	22
4. Baratov Mirodiljon Xomudjonovich, Akramxodjayev Bori Toxtaxodjayevich TURISTIK MAHSULOTNING XUSUSIYATLARI VA BU SOHADAGI RAQOBATBARDOSHLIK.....	29
5. Ergasheva Shohista O'ktam qizi KRIPTOVALYUTALARNING TRANSFER JARARAYONIDA QO'LLANILADIGAN HUQUQ MASALASI.....	39
6. Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	46
7. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич ПРОКУРАТУРА ОРҒАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЧЕГАРАЛАРИ.....	54
8. Matkarimov Qudrat Qalandarovich ISHKI ISHLAR ORGANLARIDA QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR NAZORATINING O'ZIGA HOS HUSUSIYATLARI.....	62
9. A'zamov Akbarxon Izzatbek o'g'li QASDDAN TO'LOVGA QOBILİYATSIZLIKKA OLIB KELISHNING JINOIY-HUQUQIY JINATLARI, O'XSHASH JINOYATLARDAN FARQLI TOMONLARI HAMDA XORIJIY TAJRIBA.....	70
10. Хамидов Нурмухаммад Ориф угли ТОРГОВЛЯ ЛЮДЬМИ КАК ФОРМА ТРАНСНАЦИОНАЛЬНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ: ПОНЯТИЕ, СОЦИАЛЬНАЯ ОПАСНОСТЬ И УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ.....	77
11. Kurbanov Ma'rufjon Mamadaminovich SUN'IY INTELLEKTDAN JINOIY MAQSADDA FOYDALANISHNING JINOYAT-HUQUQIY TAVSIFI, IJTIMOY-HUQUQIY MONIYATI.....	85
12. Насруллаев Фирдавс Сухробович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКСТРАДИЦИЯ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎРНИ ВА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	92




12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО. ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Мирзаев Файзулла Ибодуллаевич,
 Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси доценти, PhD.
 E-mail: f.i.mirzaev@proacademy.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР
 ШАРОИТИДА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
 КУРАШИШНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

For citation: Mirzaev Fayzulla Ibodullaevich. LEGAL FRAMEWORK FOR ANTI-MONEY LAUNDERING (AML) AMID INSTITUTIONAL REFORMS IN UZBEKISTAN. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 2/2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18839263>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари замонавий ислоҳотлар ва халқаро стандартлар доирасида комплекс тарзда таҳлил қилинади. Мақолада миллий тизимнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси, ташкилий тузилиши ҳамда молиявий разведка бўлинмасининг ўзига хос модели батафсил ёритилган. Шунингдек, идоралараро мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш ва Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент таркибида ташкил этилган Хавфларни баҳолаш марказининг фаолият хусусиятларига эътибор қаратилади. Муаллиф томонидан тизимни рақамлаштириш ва хавфларни олдини олиш бўйича илмий асосланган таклиф ҳамда хулосалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: жиноий даромадларни легаллаштириш, ҳуқуқий таъминлаш, институционал модель, молиявий разведка бўлинмаси, идоралараро комиссия, таваккалчиликка асосланган ёндашув.

Мирзаев Файзулла Ибодуллаевич,
 Доцент правоохранительной Академии Республики Узбекистан
 E-mail: f.i.mirzaev@proacademy.uz

**ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ БОРЬБЫ С ЛЕГАЛИЗАЦИЕЙ
 ПРЕСТУПНЫХ ДОХОДОВ В УСЛОВИЯХ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ РЕФОРМ В
 РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

АННОТАЦИЯ

В данной статье в контексте современных реформ и международных стандартов проводится комплексный анализ правовых основ противодействия легализации доходов, полученных от преступной деятельности, в Республике Узбекистан. В работе подробно освещаются нормативно-правовая база национальной системы, её организационная структура, а также

специфическая модель подразделения финансовой разведки. Особое внимание уделяется совершенствованию механизмов межведомственной координации и особенностям функционирования Центра оценки рисков, созданного при Департаменте при Генеральной прокуратуре. Автором выдвинуты научно обоснованные предложения и выводы по цифровизации системы и превентивному предотвращению рисков.

Ключевые слова: легализация преступных доходов, правовое обеспечение, институциональная модель, подразделение финансовой разведки, межведомственная комиссия, риск-ориентированный подход.

Mirzaev Fayzulla Ibodullaevich,

Associate Professor of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan

E-mail: f.i.mirzaev@proacademy.uz

LEGAL FRAMEWORK FOR ANTI-MONEY LAUNDERING (AML) AMID INSTITUTIONAL REFORMS IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article provides a comprehensive analysis of the legal framework for combating money laundering in the Republic of Uzbekistan within the context of modern reforms and international standards. The study details the regulatory and legal framework of the national system, its organizational structure, and the specific model of the financial intelligence unit. Particular attention is paid to the improvement of interagency coordination mechanisms and the operational features of the Risk Assessment Center established under the Department under the General Prosecutor's Office. The author puts forward scientifically grounded proposals and conclusions regarding the digitalization of the system and proactive risk prevention.

Keywords: money laundering, legal support, institutional model, financial intelligence unit, interagency commission, risk-based approach.

Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг замонавий босқичи давлат бошқарувини фаол модернизация қилиш, ҳуқуқий давлат институтларини мустақамлаш ва молиявий хавфсизликни таъминлаш механизмларини ислоҳ қилиш билан тавсифланади. Иқтисодий муносабатларнинг либераллашуви, халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши ва молиявий бозорнинг рақамлашуви шароитида жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашининг самарали тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида жинойий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга (ЖДЛ/ТМ) қарши курашиш соҳасида қатор ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Стратегик ҳужжатлар қабул қилинди, қонунчилик такомиллаштирилди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш туридаги молиявий разведка бўлинмасининг миллий модели яратилди.

Юридик фанда «ҳуқуқий таъминот»категорияси анъанавий равишда «ҳуқуқий тартибга солиш» тушунчасига нисбатан кенгроқ маънода талқин этилади[1].

Агар ҳуқуқий тартибга солиш умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларини белгилашни англатса, ҳуқуқий таъминот ушбу қоидаларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминловчи ташкилий, институционал ва процессуал механизмлар мажмуини ўз ичига олади.

Маъмурий-ҳуқуқий соҳада ҳуқуқий таъминот нафақат қонун ижодкорлигини, балки давлат органлари тизимини, уларнинг ваколатлари тақсимотини, ўзаро ҳамкорлик шакллари ва назорат тартиб-таомилларини ҳам қамраб олади[2].

Ўзбекистон Республикасида жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашининг ҳуқуқий таъминоти турли юридик кучга эга бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, расмий талқин ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўз ичига олувчи кўп даражали манбалар тизими сифатида шаклланган.

Базавий даража: Қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва иқтисодий фаолият асосларини мустаҳкамловчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда ЖДЛ/ТМ қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи махсус Қонун орқали амалга оширилади.

Стратегик даража: Меъёрий тузилманинг кейинги даражасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ташкил этади.

Идоравий даража: Ҳуқуқий таъминот тузилмасида махсус ваколатли давлат органи ва тегишли давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинадиган қонуности ҳужжатлар алоҳида ўрин тутаяди.

Мазкур ҳужжатларда ички назорат тартиб-таомиллари, мижозларни идентификация ва верификация қилиш қоидалари, шубҳали операциялар ҳақида ахборот тақдим этиш тартиби ҳамда текширувлар ўтказиш механизмлари батафсиллаштирилади. Амалда қонунчиликни ижро этишнинг амалий инфратузилмаси айнан шу босқичда шаклланади.

Тизимнинг муҳим таркибий қисми сифатида ваколатли органларнинг қонунчилик нормаларини бир хилда талқин қилиш ва қўллашга қаратилган расмий тушунтиришлари ҳамда услубий кўрсатмалари намоён бўлади. Меъёрий характерга эга бўлмаса-да, ушбу ҳужжатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади ва тартибга солишнинг олдиндан прогноз қилинишини таъминлайди.

Суд амалиёти ҳам ҳуқуқий таъминотнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Юқори суд инстанцияларининг жинойӣ даромадларни легаллаштиришни малакалаш, далилларни баҳолаш ва жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича тушунтиришлари қонунчиликни талқин қилиш стандартларини шакллантиради[3].

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида жинойӣ даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг ҳуқуқий таъминоти кўп даражали меъёрий тизим сифатида ишлайди ва ЖДЛ/ТМ қарши курашиш миллий моделининг барқарорлигини таъминлайди.

Мамлакатимизда жинойӣ даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг шаклланиши маъмурий-ҳуқуқий механизмнинг бозор муносабатлари динамикаси ва халқаро хавфсизлик стандартларига мослашуви билан шартланган босқичма-босқич жараёни ифода этади.

Ушбу эволюцион жараёни куйидаги асосий босқичларга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич: жинойӣ-ҳуқуқий асосларнинг шаклланиши билан боғлиқ. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жинойӣ даромадларни легаллаштириш учун жинойӣ жавобгарлик белгиланди[4]. Бу ЖДЛ/ТМҚҚ тизимининг кейинги ривожини учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Иккинчи босқич: 2004 йил 26 августда қабул қилинган, 2006 йил 1 январдан кучга кирган “Жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (№ 660-II) билан изоҳланади[5]. Қонуннинг дастлабки таҳрири юқори даражадаги тартибга солишда қатъийлик билан тавсифланган.

Молиявий муассасалар белгиланган мезонларга ва чегарадан ортиқ бўлган операциялар ҳақида ахборот тақдим этиш билан бир қаторда, бундай операцияларни икки иш қунигача тўхтатиб туришга мажбур этилар эди. Ваколатли орган томонидан махсус кўрсатма берилмаган тақдирдагина операцияни амалга оширишга рухсат этиларди.

2006–2007 йилларда мазкур нормаларни қўллаш амалиёти мавжуд моделни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирди. Хусусан, 2007 йил апрель ойида шубҳали операциялар тўғрисида хабар бериш тартиби ҳамда молиявий разведка бўлинмасининг тегишли ваколатларини амалга ошириш вақтинча тўхтатилди.

Учинчи босқич: Учинчи босқич 2009 йил апрель ойида қонунга тегишли ўзгартириш киритиш билан боғлиқ. Янгиланган модель молиявий хавфсизлик талаблари ҳамда иқтисодий

ривожланиш эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда нисбатан мувозанатлашган маъмурий-ҳуқуқий механизмни шакллантириш имконини яратди.

Шу билан бирга, халқаро стандартларни имплементация қилиш жараёнида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашиш, терроризмни молиялаштириш, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги асосий универсал конвенцияларга қўшилиш ва уларни ратификация қилиш амалга оширилди. Халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни миллий қонунчиликка интеграция қилиш ҳуқуқий тартибга солишни уйғунлаштиришга ҳамда тизимнинг институционал барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

ЖДЛ/ТМ қарши курашиш миллий тизими доирасида молиявий разведка бўлинмасига хос функциялар, шунингдек, тизим иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда халқаро ахборот алмашинувини таъминлаш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти зиммасига юклатилган. Мазкур органнинг прокуратура тизими таркибидаги мансублиги молиявий разведка бўлинмаси моделининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи хусусиятини белгилаб берди.

Мазкур органнинг ЖДЛ/ТМ қарши курашиш миллий тизимининг институционал элементи сифатида шаклланиши ўзига хос ривожланиш тарихига эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли қарорига мувофиқ, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ жиноятларига қарши курашиш департаменти ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти аввало иқтисодий ва солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши курашишга қаратилган эди[6]. 2001 йил 29 августда «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши натижасида мазкур органнинг прокуратура тизимидаги ихтисослашган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилма сифатидаги ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди[7].

Валютани тартибга солиш ва ташқи савдо сиёсатини ислоҳ қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чоратадбирлар амалга оширилаётган шароитда валюта операциялари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни эрта босқичда профилактика қилишга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 415-сонли қарорига мувофиқ, Департамент органларига валютага оид жиноятларга қарши курашишни кучайтириш ҳамда уларни марказлаштирилган тартибда ҳисобга олиш ваколатлари юклатилди[8].

Департамент фаолияти иқтисодий, молиявий ва солиқ соҳаларидаги жиноий кўринишларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга йўналтирилди. Хусусан, хорижий валютада операцияларни амалга оширишда қонун бузилишларини аниқлаш, уларни бартараф этиш, олдини олиш ва профилактика қилиш ҳамда хорижий валюта маблағларининг четга чиқиб кетиши механизмлари ва йўллари, уларнинг ноқонуний айланишини, хорижий валютани сотиш бўйича мажбуриятлардан бош тортиш ҳолларини аниқлаш бўйича оператив-таҳлил, қидирув ишларини ўтказишга устувор вазифалар қаторига киритилди.

ЖДЛ/ТМга қарши курашиш миллий тизимини ривожланишида сифат жиҳатдан янги босқич Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сонли қарори қабул қилиниши билан боғлиқдир[9]. Мазкур қарорга мувофиқ, Департамент ЖДЛ/ТМ қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи сифатида белгиланиб, унга миллий молиявий разведка бўлинмаси мақоми берилди. Бу билан шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва тегишли органларга йўналтириш функциялари ягона орган ваколатига бириктирилди.

Тадбиркорлик фаолияти учун қулай институционал муҳит яратиш, инвестицияларни фаол жалб этиш, бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва улардан самарасиз фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш, шунингдек иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида 2018 йил 23 майда Ўзбекистон Республикаси

Президентининг УП-5446-сонли Фармони қабул қилинди[10]. Мазкур фармон асосида ушбу органлар фаолияти комплекс равишда ислоҳ қилинди. Натижада Департамент қайта ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти сифатида қайта шакллантирилди.

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан Департаментга ЖДЛ/ТМ қарши курашиш соҳасида жалб этилган вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатлари ҳам юклатилди.

Хавфларни баҳолаш ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни мувофиқлаштириш вазифаси Департамент зиммасига юклатилган. Идоралараро ҳамкорликни таъминлаш ва ваколатли органлар фаолиятининг ўзаро уйғунлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги ПҚ-3947-сонли қарорига мувофиқ ЖДЛ/ТМга қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссия ташкил этилди[11].

Комиссия таркибига манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ўринбосарлари киритилган бўлиб, у ЖДЛ/ТМга қарши курашиш миллий тизими доирасида асосий мувофиқлаштирувчи орган сифатида фаолият юритади. Комиссия раиси лавозими Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари зиммасига юклатилган, Комиссиянинг ишчи органи сифатида эса Департаментнинг Хавфларни баҳолаш маркази белгиланган.

Хавфларни баҳолаш марказининг асосий вазифаларидан бири молиявий мониторинг субъектларидан келиб тушадиган шубҳали операциялар ҳақидаги хабарларни автоматлаштирилган тарзда қабул қилиш, йиғиш, қайта ишлаш ва тоифалашдан иборат. Мазкур функция ЖДЛ/ТМга қарши курашиш миллий тизимининг таҳлилий ядросини шакллантиради ва молиявий ахборотни тизимли равишда таҳлил қилишга хизмат қилади.

Марказ фаолияти учта асосий йўналишда амалга оширилади.

Биринчи йўналиш — таҳлилий фаолият. Марказ турологик тадқиқотлар ва стратегик таҳлиллар ўтказиши, шубҳали операциялар ҳақидаги хабарларни комплекс қайта ишлайди, молиявий хулқ-атвордаги тенденциялар ва аномалияларни катта ҳажмдаги маълумотларни автоматлаштирилган таҳлил қилиш воситалари орқали аниқлайди. Шунингдек, предикат жиноятлар билан боғлиқ хавфларни ўз вақтида фож этиш ва уларнинг молиявий изларини очишга қаратилган таҳлилий ишларни амалга оширади.

Иккинчи йўналиш — таваккалчиликларни баҳолаш. Марказ миллий ва секторлараро ЖДЛ/ТМга қарши курашиш таваккалчиликларини баҳолаш жараёнини ташкил этади, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, таваккалчиликка асосланган ёндашувни методологик жиҳатдан қўллаб-қувватлайди ҳамда меъёрий ва методик ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади. Шу билан бирга, Марказ қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиш ваколатига эга бўлиб, ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва услубий материалларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

Учинчи йўналиш — технологик таъминлаш. Марказ ЖДЛ/ТМга қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади, ихтисослашган дастурий ечимларни ишлаб чиқади ва идоралараро тезкор ахборот алмашинувини таъминлайди. Бу эса оммавий назорат ва молиявий мониторинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Марказ фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири, бу ЖДЛ/ТМга қарши курашиш миллий тизими иштирокчилари ўртасида тезкор ва ишончли ахборот алмашинувини таъминлашдир. Мазкур механизм ваколатли органлар ҳаракатларининг мувофиқлашганлиги, тезкорлиги ва натижадорлигини сезиларли даражада кучайтиради.

ЖДЛ/ТМга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантиришнинг устувор стратегик йўналишларини мустаҳкамлаш мақсадида, БМТнинг универсал конвенциялари, ФАТФ стандартлари ҳамда миллий таваккалчиликларни баҳолаш натижаларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ-6252-сонли Фармони қабул қилинди[12].

Мазкур Фармон билан соҳада тизимли ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қуйидаги комплекс стратегик ҳужжатлар тасдиқланди:

- Ўзбекистон Республикасининг ЖДЛ/ТМга қарши курашиш тизимини ривожлантириш стратегияси;

- ушбу стратегияни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”;

- ЖДЛ/ТМга қарши курашиш соҳасида иштирок этувчи вазирлик ва идоралар рўйхати.

Ушбу ҳужжатлар миллий тизимни халқаро стандартларга мувофиқ равишда такомиллаштириш, институционал ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда таваккалчиликка асосланган ёндашувни амалиётга изчил жорий этиш учун меъёрий-стратегик асос бўлиб хизмат қилади.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сонли қарори қабул қилиниб, у орқали ЖДЛ/ТМга қарши курашиш миллий тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди[13].

Мазкур қарор билан қуйидаги учта низом тасдиқланди:

- ЖДЛ/ТМ билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш тартиби, хусусан шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни юбориш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш механизми;

- халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби, шу жумладан ахборот алмашинуви ва халқаро сўровларни кўриб чиқиш ҳамда ижро этиш механизмлари;

- қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш тартиби, жумладан ҳисоботларни масофавий таҳлил қилиш ҳамда жойига чиқиб текширувлар ўтказиш тартиби.

Шу тариқа, мазкур қарор ЖДЛ/ТМга қарши курашиш миллий тизимида ахборот алмашинуви, халқаро ҳамкорлик ва назорат фаолиятини процессуал жиҳатдан таъминлашнинг ҳуқуқий асосини шакллантирди.

2024 йилда ЖДЛ/ТМ миллий тизимининг институционал ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги ПФ-99-сонли Фармони билан янги босқичга кўтарилди[14].

Мазкур Фармон билан Департаментнинг даромадларни яшириш схемаларини аниқлаш ва бартараф этиш, яширин молиявий оқимлар каналларини тизимли таҳлил қилиш, шунингдек жиноий даромадларни легаллаштиришга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган вазифалари аниқлаштирилди. Бу орқали унинг ЖДЛ/ТМ қарши курашиш миллий тизимидаги етакчи субъект сифатидаги мақоми ва функционал вазифалари сезиларли даражада кучайтирилди.

Шунингдек, Бош прокуратура тузилмасида илмий-таҳлил тадқиқотлар ўтказиш, маълумотларни тизимли қайта ишлаш ҳамда яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқишга ихтисослашган таҳлилий механизм Марказни ташкил этиш назарда тутилди.

Шу тариқа, Ўзбекистон Республикасининг ЖДЛ/ТМ қарши курашишнинг ташкилий модели марказлаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи турига асосланган бўлиб, унда таҳлилий ва процессуал ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тузилмасида жамланган. Бундай ташкилий модель бошқарувнинг яхлитлигини таъминлайди, қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштиради, жиноий даромадларни легаллаштириш ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга нисбатан тезкор ва мувофиқлаштирилган чора кўриш имконини беради.

Олиб борилган таҳлил шуни кўрсатадики, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни ҳуқуқий таъминлаш молиявий хавфсизлик соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг яхлит механизми сифатида намоён бўлади. У меъёрий кўрсатмалар ва ташкилий механизмлар ўзаро уйғунлашган, маъмурий-ҳуқуқий тизим шаклида фаолият юритади. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни ҳуқуқий таъминлашни таҳлил қилишда уни фақат соҳавий меъёрлар йиғиндиси сифатида эмас, балки молиявий

хавфсизликни таъминлашга қаратилган мустақил оммавий-хуқуқий режим сифатида концептуаллаштириш зарур.

Муаллиф позициясига кўра, «хуқуқий жиҳатдан таъминлаш» категорияси мазкур соҳада уч даражали тузилма сифатида намоён бўлади: норматив даража — хуқуқий чегаралар ва умуммажбурий қоидаларни белгилайди; институционал даража — ушбу қоидаларни амалга оширувчи субъектлар тизимини шакллантиради; процессуал даража — ваколатларни амалга ошириш алгоритминини белгилайди. Айнан ушбу триада ЖДЛ/ТМга қарши курашиш миллий моделининг ички мантиғини очиб беради.

Ўзбекистон Республикасида шаклланган модель марказлаштирилган хуқуқни муҳофаза қилувчи типга мансуб бўлса-да, унинг мазмуни фақат тергов ёки жиноий таъқиб билан чекланмайди. Таҳлилий инфратузилма, хавфларни баҳолаш механизми, автоматлаштирилган мониторинг тизими ва идоралараро мувофиқлаштириш институти мазкур соҳанинг маъмурий-хуқуқий устуворлигини намоён қилади. Шу боис уни комплекс оммавий-хуқуқий бошқарув режими сифатида квалификация қилиш илмий жиҳатдан асослидир. Бундай режимда жиноят-хуқуқий таъсир чоралари якуний босқични ташкил этса, профилактика, молиявий мониторинг, таҳлилий қайта ишлаш ва таваккалчиликка асосланган бошқарув устувор аҳамият касб этади. Демак, хуқуқий таъминот самарадорлиги норматив ҳужжатлар сони билан эмас, балки норматив, институционал ва таҳлилий элементлар ўртасидаги функционал мувозанат даражаси билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, ЖДЛ/ТМга қарши курашишни хуқуқий таъминлаш молиявий хавфсизликни кафолатловчи адаптив ва динамик маъмурий-хуқуқий механизм сифатида баҳолашни лозим. Мазкур ёндашув мазкур соҳани назарий жиҳатдан қайта англашга ва унинг давлат бошқаруви тизимидаги мустақил институционал мақомини асослашга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ситник А.А. Финансово-правовой механизм публичного регулирования. — М.: Норма, 2019 (Sitnik A.A. Financial and legal mechanism of public regulation. - М.: Norma, 2019)
2. Алексеев С.С. Теория права. — М.: БЕК, 1995. — С. 217–220 (Alekseev S.S. Theory of law. - М.: ВЕК, 1995. - P. 217–220).
3. Ўзбекистон Республикаси Олдий суд Пленумининг қарори. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — lex.uz. (Resolution of the Plenum of the Pre-Trial Court of the Republic of Uzbekistan. On some issues of judicial practice in cases of legalization of proceeds from criminal activity // National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan — lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 243-модда — «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш» // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси — lex.uz. (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, Article 243 — “Legalization of proceeds from criminal activity” // National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan — lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни № 660-II // lex.uz. (Law of the Republic of Uzbekistan dated August 26, 2004 “On combating the legalization of proceeds from criminal activity, the financing of terrorism and the financing of the proliferation of weapons of mass destruction” No. 660-II // lex.uz)
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // lex.uz (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated July 6, 2001 No. 291 “On measures to strengthen the fight against crimes in the economic and tax spheres” // lex.uz)

7. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29.августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни 257-II-сон (Law of the Republic of Uzbekistan dated August 29, 2001 “On the Prosecutor's Office” No. 257-II).
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 415-сонли «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини твкомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // lex.uz. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated November 28, 2002 No. 415 “On measures to improve the activities of the Department for Combating Tax Crimes under the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan” // lex.uz)
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сонли «Молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятларга, шунингдек жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // lex.uz (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 21, 2006 No. PP-331 “On measures to strengthen the fight against financial, economic and tax crimes, as well as money laundering” // lex.uz).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ-5446-сонли «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони // lex.uz. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 23, 2018 No. PF-5446 “On measures to radically increase the efficiency of the use of budget funds and improve the mechanisms for combating economic crimes” // lex.uz)
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги ПҚ-3947-сонли «Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида» Қарори // lex.uz (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 20, 2018 No. PP-3947 “On the establishment of an interdepartmental commission to combat the legalization of proceeds from criminal activities, the financing of terrorism and the financing of the proliferation of weapons of mass destruction” // lex.uz).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ-6252-сонли «Ўзбекистон Республикасининг жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони // lex.uz (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 28, 2021 No. PF-6252 “On approval of the Strategy for the development of the national system of the Republic of Uzbekistan to combat the legalization of proceeds from criminal activities, the financing of terrorism and the financing of the proliferation of weapons of mass destruction” // lex.uz).
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сонли «Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида Қарори // lex.uz (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated June 29, 2021 No. 402 “On additional measures to implement the Law of the Republic of Uzbekistan “On combating the legalization of proceeds from criminal activities, the financing of terrorism and the financing of the proliferation of weapons of mass destruction” // lex.uz).
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 июлдаги ПФ-99-сонли «Яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 8, 2024 No. PF-99 “On additional measures to effectively organize activities to combat the underground economy”) // lex.uz.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahafaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.